



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 29 (1250)

2019-yil 19-iyul, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илгор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усуллари жорий қилиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ишлаб чиқаришни яратиш мақсадида:

1. 2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари этиб куйидагилар белгилансин:

енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача ошириш;

енгил автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 60 фоизгача етказиш;

юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 10 минг донагача ошириш;

автомобилларнинг йиллик экспорт ҳажмини 100 минг донагача етказиш;

2-БЕТ

САЙЛОВ



Партиянинг янги дастурлари лойиҳаси

ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловга республикамиз тараққиётини таъминловчи халқчил ғоялар ҳамда дастурлар билан кириб бориш ҳар бир сиёсий партия учун муваффақият гарови бўлиб хизмат қилади. Табиийки, халқчил ва ҳаётбахш ғоялар “қуйидан марказга” тизими орқали шаклланади.

Шу мақсадда жорий йил 16 июль куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг янги Сиёсий дастури ва Сайловолди дастури лойиҳалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Онлайн-мулоқотда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

партия фракцияси аъзолари, фаоллар ҳамда экспертлар, ҳудудий студияларда партиянинг ҳудудий кенгашлари ходимлари, туман (шаҳар) кенгаши раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида фаолият юритаётган партия депутатлари, сиёсий кучнинг бошланғич ташкилотлари вакиллари — жами 1200 нафардан зиёд фаоллар қатнашди.

Анжумани партия Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров очар экан, барчани муҳокамада амалий тақлифлар билан фаол иштирок этишга чорлади.

Йиғилишда таъкидланганидек, партиянинг 2009 ҳамда 2014 йилдаги Сайловолди дастурларида кўтарилган бир қатор муҳим ташаббус ва ғояларнинг аксарияти ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармони, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ижрога йўналтирилди. Мамлакатимизни инновацион иқтисодиётга асосланган ҳолда ривожлантириш, бошқарувда очиқлик, ошқоралик, ҳисобдорликни таъминлаш мақсадида

“электрон ҳукумат”ни йўлга қўйиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш асосида рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш, тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган хизматларни (трансплантация, ЭКО) кенг йўлга қўйиш каби масалалар шулар жумласидандир.

— Партияимизнинг навбатдаги дастурларига ҳам яқин ва узоқ йилларда мамлакатимизнинг тараққиёт истиқболларини олдиндан ҳисобга олган ҳолда долзарб масалаларни киритишимиз лозим, — деди ўз сўзида партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Токи бу ҳаётини тақлифлар, ғоя-мақсадларимизнинг амалга оширилиши халқимиз фаровонлиги, электорати-

миз манфаатларига хизмат қилсин.

Маълумки, давлат ва жамият ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ғоялар, йўналишлар, тамойилларни кўтариб чиқиш ва уларни амалга ошириш йўллари белгиланган сиёсий партиянинг асосий вазифаларидан бири саналади. Демак, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг муҳокамага қўйилган янги дастурлари лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, унинг ҳар бир банди сафдошларимиз, партиянинг барча бўғиндаги тузилмалари, депутатлари, фаоллар, экспертлар, энг асосийси, халқимиз фикри асосида тақомилга етказилиши лозим.

3-БЕТ

ХОВОС ҲАВАС МАСКАНИГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 18 июль куни Сирдарё вилояти Ховос туманига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Ховос тумани марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

2-БЕТ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ



Автомобиль ойналарини қорайтириш масаласи

депутатлар муаммони қандай ҳал қилмоқчи?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг 2019 йил 18 июль куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида қонун лойиҳалари билан бирга, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Президентимиз раислигида 15 июль куни узлуксиз профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда кўтарилган муҳим вазифалар ҳақида партия депутатлари ат-

рофлича сўз юритишди. Фракция аъзолари ҳар қандай соҳанинг ривожини, лойиҳаларнинг амалиётга муваффақиятли жорий этилиши етук кадрлар салоҳиятига боғлиқ эканини таъкидлаб, кадрлар тайёрлаш йўналишида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватладилар.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан коллежлар негизини профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш вазифаси қўйилган эди. Депутатлар ушбу муассасаларда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши, айниқса, ўқитиш муддатлари зарур билим, малака ва кўникмаларнинг мураккаблигига қараб турлича белгиланишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётганини айтиб ўтишди.

Фракция йиғилишида, партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ушбу муассасаларда қисқа муддатли қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларини ҳам жорий этиш тақлифи билдирилди. Шунингдек, жойларда ишсизлик кузатилаётган бир пайтда ишчи касблар бўйича му- тахассисларга катта эҳтиёж борлиги таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида уйғунлик йўқлиги оқибати экани қайд этилди.

4-БЕТ

Кам таъминланган оилалар учун арзонлаштирилган уйлар қурилмоқда



Самарқанд вилоятида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун арзонлаштирилган уйлар қуриш тезкорлик билан, энг асосийси сифатли амалга оширилмоқда.

“Қишлоққурилишнинг инвестиция”нинг вилоят бўлимидан олинган маълумотга кўра, ҳозир туманларда 1690 та хонадонга мўлжалланган ана шундай кўркам тураржойлар барпо этилмоқда. Юқори касбий тайёрликка ва моддий-техник

базага эга бўлган 80 дан ортиқ қурилиш ташкилотларининг бунёдкорлари бу муҳим вазифани сизидилдан адо этмоқдалар.

“Бунёдкор Самарқанд” хусусий қурилиш корхонаси ана шундай ишчан, ҳозиржавоб

меҳнат жамоаларидан бири саналади. Ўтган уч йил давомида вилоятнинг турли қишлоқларида етмишдан ортиқ уй-жой биноларини қурган ва кўплаб оилаларнинг эътирофига сазовор бўлган мазкур жамоа ҳозир Самарқанд туманидаги “Паррандачилик” маҳалласида 48 хонадонга мўлжалланган 2 та тўрт қаватли уй қурилишини ниҳоясига етказмоқда.

— Биз барпо этаётган уйлар тижорат йўли билан қурилатган уйлардан деярли икки баробар арзон, — дейди “Бунёдкор Самарқанд” корхона раҳбари Шухрат Маматқулов. — Кўчиб кирмоқчи бўлган оилаларга ҳамма шароитни муҳайё қилиб, уйлари-нинг калитини топшираемиз. Оила янги уйда дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирганини кўрсак, ўзимиз ҳам хурсанд бўлиб кетамиз. Қурувчилик касбининг масъулияти ва ана шундай қувончли дамлари бизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Зоҳир Тўрақулов,
“Адолат” мухбири

Автомобиль ойналарини қорайтириш масаласи

депутатлар муаммони қандай ҳал қилмоқчи?

Давом.
Бошланғич 1-бетда

Шу билан бирга, фракция аъзолари ўз сайлов округлари ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорига ишчиларга талаб ва таклифни шакллантириш, таълим тизими бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этишга доир вазифалар белгилаб олинди.

Депутатлар бугун ҳалқимизни ўйлантираётган ва қатор муҳокамаларга сабаб бўлаётган яна бир ҳаётий масалага ҳам эътибор қаратдилар. Яъни бу йилги ёз ойлари Ўзбекистон метеорологик кузатувлар тарихи давомида энг иссиқ келганлиги қайд этилмоқда. Бундай жазирама кунлар, айниқса, автомобиль ҳайдовчиларига қийинчиликлар туғдиришда. Шу боис ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчилик, хусусан, ҳайдовчилар томонидан қизгин баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган мавзу, шубҳасиз, автомобиль ойналарини қорайтириш ("тонировка") масаласидир.

Йиғилишда таъкидланганидек, "Адолат" СДП фракцияси аъзоларига юрдошларимиз томонидан ҳайдовчи ва йўловчиларни ёзнинг жазирама иссиғидан ҳимоя қилишда етарлича шароитлар яратиш юзасидан қўллаб-қувватлаш келиб тушмоқда. Мурожаатларда асосий масала сифатида ёзнинг иссиғидан, қуёш нуридан, айниқса, ультрабинафша нурлардан сақланишда автомобиль ойналарини қорайтиришга рухсат бериш сўралган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, автомобиль ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтиришга) рухсатнома олиш жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўқсон баравари (18 245 700 сўм), юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз йигирма баравари (24 327 600 сўм) миқдоридagi маблагни тўлаш орқали амалга оширилади. Табиийки, аксарият ҳайдовчиларнинг бунча маблаг тўлаш звазига бир йилгагина рухсатнома олишга моддий имконияти етарли эмас.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, агар ушбу суммани тўлашга ҳайдовчининг қурби етса ҳам, бу ҳали унинг машинада иссиқдан ҳимояланиши таъминланади, дегани эмас. Чунки қарорга асосан, автотранспорт воситасининг факатгина орқа ойналари тусини ўзгартиришга рухсат берилади, ҳолос. Демак, тўловни амалга оширган ҳайдовчи машинанинг қолган ойналари қорайтирилмаганлиги боис аслида ҳам пул тўлайди, ҳам яна офтоб нуридан ҳимояланмай қолади.

Албатта, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда, турли веб-сайтларда ойналар тусини ўзгартириш учун белгиланган тўлов жуда қимматлиги, уни бутунлай бекор қилиш ёки маблаг миқдорини камайтириш, дарлардага рухсат бериш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда. Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари ушбу тўлов миқдорини ўзгартириш ҳақида бирор муносабат билдирмаган ҳолда машина ойналарининг тусини ўзгартириш фуқароларимиз хавфсизлигига салбий таъсир ўтказишини маълум қилиш билан чекланмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари фуқароларимизни қийнаётган ушбу масала юзасидан аҳоли фикрлари, ижтимоий тармоқлардаги муносабатлар ва мутасадди вазирлик позициясини ўрганиб, ҳам халқ манфаатлари, ҳам хавфсизлик талабларини инобатга олган ҳолда ўз таклифларини ишлаб чиқди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда автотранспорт воситалари учун эътиҳот қисмлари билан савдо қилиш дўконларида термал плёнка ҳам сотилмоқда. Ушбу плёнка бир мунча шаффоф бўлиб, унинг асосий вазифаси автомобиль салонини қуёшнинг ультрабинафша нурларидан сақлаб, жазирамада исиб кетишни бирмунча камайтиради.

Шунингдек, йиғилишда ҳайдовчи ва йўловчилар учун қўлайликлар яратиш мақсадига таклиф этилаётган термал плёнка билан қўلانган автомобиль ойналарининг бир неча намуналари кўргазма тарзда тақдим этилиб, уларнинг афзаллиги ва қўлайликлари бўйича йиғилганларга батафсил маълумотлар берилди.

Мазкур намуналардан кўриш мумкинки, термал плёнка ўз хусусиятига кўра тонировка плёнкасида анча устунликка эга ва ҳайдовчилар учун ҳам ён-атрофни кўришга ҳалақат бермайди. Энг асосийси, транспорт воситасининг ичидаги шахслар ташқаридан бемалол кўринади ва ҳеч кимнинг хавфсизлигига даҳл қилмайди.

Депутатларнинг ушбу ташаббусини йиғилишда иштирок этган Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ва "Ўзстандарт" агентлиги мутахассислари қўллаб-қувватлашди ва бу орқали фуқароларимизга автомобилдан фойдаланишлари учун қўлай шарт-шароит яратилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Депутатлар эътироф этганидек, ушбу масалада муаммонинг ечимини сифатида Ҳукумат қарорига тегишли ўзгартириш киритишни назарда тутувчи таклиф тайёрланмоқда. Яъни йўл ҳаракати қоидаларининг 3-илоvasи 7.4-бандига мувофиқ, транспорт воситасининг олд, ён ва орқа ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70 фоиздан кам бўлса, ундан фойдаланиш тақиқланиши белгиланган нормани қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, мамлакатимизда ушбу 70 фоиз чеклови 15 фоизга камайтирилиб, яъни 55 фоизгача туширилса, ҳайдовчилар бемалол термал плёнкадан фойдаланиши мумкин бўлади. Бу эса нафақат йўловчиларга, балки ҳайдовчилар учун ҳам афзалликларга эга имконият саналади. Депутатлар ушбу амалиётни жамоат транспортларида ҳам қўллаш мумкинлиги таклифини илгари суришди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар ва муҳокамалардан сўнг мазкур масала юзасидан фракция таклифларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилишга келишиб олинди.

Фракция йиғилишида банк-молия, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳром БУРХОНИДИНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари

Жойларда қонун устуворлигининг таъминланиши халқнинг ишончли вакиллари бўлган депутатларнинг талаб даражасида фаолият олиб боришига боғлиқ. Кейинги йилларда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг жойларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги роли ва масъулияти ортаётганлиги бежиз эмас.

Фаолиятимизда АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР МУҲИМ

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг манфаатларини рўйга чиқариш, аҳолининг таклифларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан бир қатор муаммоларни ҳал этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига жами 39 та депутатлик сўровлари чиқарилди. Шундан 24 таси ижобий ҳал этилиб, қолган сўровлар бўйича амалий ишлар давом этмоқда.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтсак. Депутатларнинг сайёр қабуллари чоғида Жиззах шаҳар "Сайилжой" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи, кам таъминланган фуқаро Кўчқор Ҳайдаровнинг арзон уй-жой олиш масаласида қилган мурожаати бўйича депутат Дилмурод Худойшукров тегишли сектор раҳбари, шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғига депутатлик сўрови киритди. Қ.Ҳайдаров арзон уй-жой сотиб олиши учун бошланғич тўлов маҳалла билан ҳамкорликда, ҳомийларни жалб этган ҳолда тўлаб берилди.

Дўстлик тумани "Наврўз" ШФЙ ҳамда "Мевазор" ҚФЙ аҳолисининг ичимлик суви ҳамда суюлтирилган газ таъминотида учраётган муаммолар ҳақидаги мурожаатлари асосида депутатлик гуруҳи аъзоси Омонгул Хайитова туман "Сув-оқава" корхонаси ҳамда "Тумангаз" корхонасига депутатлик сўрови юборди. Тез орада "Наврўз" ШФЙ ва "Мевазор" ҚФЙдаги хонадонларда ичимлик суви ва табиғий газ таъминоти яхшиланди.



Депутатлик гуруҳи аъзоларининг сайёр ҳаракатлари билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Жиззах шаҳар, Дўстлик, Пахтакор туманларида яшовчи 15 нафар кам таъминланган фуқароларга турмуш шароитини яхшилаш ва соғлиқларини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Фаллаорол тумани "Коризқудук" қишлоғида истикомат қилувчи кам таъминланган фуқаро Х.Бозоров ва Дўстлик туманида яшовчи фуқаро З.Ражабов соғлиги ёмонлашганлигини айтиб, даволашни учун амалий ёрдам сўраб депутат-

лик гуруҳи аъзоларига мурожаат қилишди. Депутат Нигора Бозорбоева уларнинг мурожаатларини ўрганиб, фуқароларнинг моддий жиҳатдан кам таъминланганлигини эътиборга олган ҳолда тегишли табиий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда ёшлар бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Партиямизнинг "Бир ойда

санитария-гиена талабларига мослиги, давомат, ичимлик суви ҳамда умумий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси каби масалаларни ўрганишган эди. Урганишларда мактаб ва боғчаларда бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шуларни назарда тутиб, жумладан, туман мактабгача таълим бўлими раҳбарига депутат Раёно Бердиева депутатлик сўрови юборди. Натихада "Камалак" болалар боғчасида ичимлик суви ва дори-дармон-

Жорий йилнинг март ойда депутатлик гуруҳимиз аъзолари одамларнинг дарду ташвишини тинглаш, муаммоларни ҳал этишга қўмақлашиш мақсадида "Тожиқ" ва "Дашнобод" қишлоқлари аҳолиси билан мулоқот ўтказишди. Фуқаролар икки қишлоқни бир-бирига боғлаб турувчи кўприкни сел олиб кетгани боис бир талай қийинчиликлар юзага келганини билдиришди. Тез кунда депутатлик гуруҳимиз аъзолари тумандаги мутасадди ташкилотларни жалб

Сиёсий кучнинг мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, айниқса, партия депутатларининг ташаббускорлик ва фидойилик билан иш олиб боришини тақозо этади. Шу мақсадда халқ депутатлари Ҳузур тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам муайян натажаларга эришмоқда.

Қўлайликлар яратилмоқда

Жорий йилда депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан жойларда фуқароларни ўйлантираётган масалалар, аниқланган муаммоларга ечим топиш мақсадида мутасадди ташкилотларга 26 та депутатлик сўрови киритилиб, шундан 22 таси ижобий ҳал этилиб, фуқароларнинг манфаатлари рўйга чиқарилди. Қолган депутатлик сўровларида келтирилган шарт-шароитлардаги сайёр ҳаракатлар давом этмоқда.

Туманимиз марказидаги "Амир Темур" маҳалласида яшовчи фуқаролар билан юзма-юз мулоқот чоғида Гулнора Сайфиева ва Зебо Очилова тadbиркорлик билан шуғулланиш истаги борлигини айтиб, кредит олиб, паррандачиликни йўлга қўйишда ёрдам беришимизни сўрашди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Инобат Кўзиева уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови киритди. Ташаббуслар рағбатлантирилиб, Гулнора Сайфиева ҳамда Зебо Очилованинг ҳар бирига "Агробанк"нинг туман филиалидан 7 миллион беш юз минг сўмдан кредит ажратилди.

Жорий йилнинг май ойида "Шерали" сайлов округи ҳудудидаги "Капирин" қишлоғи хонадонларида бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот уюштирилганлиги фуқаролар қишлоқда ички йўллар носозлиги, бандлик масаласида муаммолар

борлигини баён этишган эди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун дастлаб туман бандликка қўмақлашиш маркази раҳбари Фахриддин Ирناзаровга депутатлик сўрови юбордик.

"Капирин" қишлоғида истиқомат қилаётган фуқаролардан Азим Турдиев, Худойберди Юсупов, Жалол Чоршанбиев, Даврон Турдиев, "Янгикент" маҳалласида яшовчи Бахтиёр Жамолов, Элбурус Рахимов ва бошқа шу каби 20 нафарга яқин ишсиз фуқаролар қурилиш ишларига ва тadbиркорлик шохобчаларига жалб этилиб, ишга жойлаштирилди. Туман пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси раҳбарига йўланган депутатлик сўрови ўрганилиб, кўп ўтмай амалий натижаларга эришилди. Айни кунларда йўлсозлар "Кўшета" МФЙдаги "Жонбулок" қишлоғининг 4 километрлик ички йўлларига таъмирлаш ишларини тугатиш арафасида, шунингдек, "Чанок" қишлоғида ҳам 2 километрлик ички йўллар жорий таъмирланмоқда.

Шу йил 14 апрель куни "Шерали" қишлоғида яшовчи олий маълумотли ёшлардан Раҳмон Азимов ва Аббос Мавлонов доимий иш билан таъминланишда амалий ёрдам сўраб, депутатлик гуруҳимизга мурожаат қилишди. Ушбу мурожаатга асосан гуруҳимиз аъзоси Раёно Бердиева ва туман партия кенгаши раиси Камолитдин Камолитдин билан биргаликда депутатлик сўрови киритди. Натихада "Ин-



тин инжиниринг" қурилиш компаниясида 2019 йилнинг 13 май куни Р.Азимов электромонтаж устаси, А.Мавлонов техника хавфсизлиги бўйича муҳандис этиб ишга қабул қилинди.

Партия депутатлари июнь ойида "Тожиқ" қишлоғида яшашга мажбур бўлган аҳоли ҳолидан хабар олиш мақсадида уйма-уй юриб, фуқаролар билан мулоқотга киришганларида кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган Салима Қаюмова ва Феруза Раҳмонова моддий ёрдамга эhtiёжлари борлигини маълум қилишди. Бу хайрли ишга ҳомийлар билан биргаликда улар муҳим иш ўрни билан таъминланди. Келгусида янги боғ ҳосилидан келган даромад 78-умумтаълим мактабининг иқтисодий таъминотида, бу ерда меҳнат қилаётган боғбонларнинг оилалари фаровонлиги учун сарфланади.



лар билан таъминланганлик ҳолати яхшиланиб, тарбиячилар тумандаги энг намунали "Пахтаой" мактабгача таълим муассасасида ибратли тажрибаларни ўрганишди.

Яна бир хайрли ташаббусимиз қўллаб-қувватланиб, шу йил 25 февралда туман ҳокимлиги ер захирасидан 78-умумтаълим мактаби учун 5 гектар ер ажратилди, ҳашар йўли билан 2500 тул олма, олхўри, ўрик, бодом сингари меваги дарахт қўчалари ўтказилди. Боғдаги ниҳолларни парвартириш ишлари учун Ражаб Одинаев, Нурбек Одинаев ва Раҳим Одинаев жалб этилиб, улар муҳим иш ўрни билан таъминланди. Келгусида янги боғ ҳосилидан келган даромад 78-умумтаълим мактабининг иқтисодий таъминотида, бу ерда меҳнат қилаётган боғбонларнинг оилалари фаровонлиги учун сарфланади.

Маҳфуза ЎТАЕВА,
халқ депутатлари Ҳузур тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

Инсон умри давомида қандайдир хатолар қилади. Гап хатода эмас, ундан тўғри хулоса чиқаришда ва хатони такрорлашмасликда, албатта.
2019 йилнинг 12 апрель кунини жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан Василий Иванов (Исм-фамилиялар ўзгартирилган — тахририят) бошчилигидаги гуруҳнинг жиноий иши кўриб чиқилди. Унда Василийнинг 18 ёшидан оқ тўғри йўлдан адашганлиги, номуҳаббатлиги, ўғирлик, босқинчилик ва гиёҳвандлик каби жиноятларни содир этиб, ёши қирққа яқинлашган бўлса ҳам хатоларини англаш ўрнига бошқаларни ҳам жиноят йўлига бошлаганлиги баён этилган.

Кулфбузарлар қўлга тушди

Василий Иванов Навоий вилояти "Металл-Коорд" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ишчиси, Навоий шаҳрининг Галаба кўчасидаги хонадонда яшаган. У ҳаёти давомида бир неча бор судланган, жазосини олган бўлса ҳам қилган хатоларидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётини изга солиш ўрнига жиноий режаларини амалга ошириш мақсадида ўзига шерик излай бошлади. Нихоят 2018 йилнинг июнь ойида излаган одамни топди. У Бухоро шаҳрида туғилган ва кейинчалик Навоий шаҳрига кўчиб келиб, Навоий кўчасида яшаган, ўрта-мақсус маъмулоти, икки нафар фарзанднинг отаси, оила-сидан ажрашган, вақтинчалик ишчиси, эски таниши Толиб Зокировни учратиб қолади ва унга даромадли иш таклиф қилади. Табиийки, ишсиз юрган Толибга бу таклиф мойдек ёқди.



Жомий кўчасидаги 35-хонадоннинг эшик кўнгируғини босишда. Кўнгируғидек эшикни ҳеч қандай қўшма маъмулоти, икки нафар фарзанднинг отаси, оила-сидан ажрашган, вақтинчалик ишчиси, эски таниши Толиб Зокировни учратиб қолади ва унга даромадли иш таклиф қилади. Табиийки, ишсиз юрган Толибга бу таклиф мойдек ёқди.
Улар жиноий ишни амалга ошириш ниятида 2018 йилнинг 27 июль кунини соат тахминан 18 ларда Навоийдан Бухоро шаҳрига йўл олишди. Василий асосий вазифини бажаришни ўз зиммасига олди. Толиб эса фақатгина уй эгалари келиб қолмаслиги учун пойлоқчилик қилиши, улар келиб қолишса Василийни огоҳлантириши ва унинг уйдан чиқиб қочишига ёрдамлашиши ёки ўғирланган молни машинага етказишга қўмаклашиши керак эди.
Улар 5-микрорайон худудига бориб, кўп қаватли уйларни кўздан кечириб, ўзганин мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида "Абдурахмон

лини оғритмасдан" катта даромадга эга бўлишни хоҳласа тез ва осон битадиган иш борлигини айтиди. Тельманга унинг вазифини фақат машинасида мўлжалланган манзилга олиб бориб келиш бўлса ҳам қўлга киритилган даромадга тенг шерик бўлиши маъқул бўлиб, бу таклифга дарҳол рози бўлади. Уша кўннинг ўзидаёқ унинг автомашинасида Бухорога йўл олишди. Тельман машинасида ўтириб, уларни кутади. Василий кўп қаватли уйларнинг бирига кириб, эшигини таққиллатади. Тахмин қилингандай ҳеч қандай жавоб бўлмагач, Толибни зинада пойлоқчиликка қолдириб, ўзи қўлидаги сим ёрдамида эшикни очиб, ичкарига қиради... Бор-йўғи 20-30 дақиқада 9 миллион сўмлик тилла тақинчоқларни олиб чиқиб, заргарликдан хабари борлиги боис уларни пуллаш учун Тельманга беради.
Орадан ўн кун вақт ўтгач, яъни 2018 йилнинг 6 сентябрида жиноий гуруҳ яна Бухорога келади. Бу гал улар "ташриф буюрган" Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчасидаги 48-й эгаси Б.Нуриддинов турмуш ўртоғи билан Тошкентга кетишган, аксига олиб ўйда қолган жияни ҳам кишлоққа тўйга кетган эди. Василий бор-йўғи 10 дақиқа ичида хонадондан анча-мунча даромадни қўлга киритиб, бугунги "ови" бароридан келганидан хурсанд бўлиб, шериклари билан уйига қайтади. Уша кунни Тошкентдан қайтган хонадон эгаси Б.Нуриддинов хотинини уйи олдида машинадан тушириб, ўзи уйга ҳам кирмасдан жиянинг тўйига кетади, аммо у тўйхонага етиб борар-бормас турмуш ўртоғи кўнгируқ қилиб, вазиятни тушунтиради...
Бировнинг мулкни ўз мулкига айлантиришда устаси фаранга айланаётган гуруҳ аъзолари яна биров вақт ўтар-ўтмас Бухоро шаҳрига йўл олишди. Василий ва Толиб Тельманни "Чинор" ресторанига яқин худудда қолдириб, режа бўйича ишга киришади. Василий уй кўнгируғини босди, ҳеч қандай жавоб бўлмаганидан сўнг эшикни сим билан очиб, ичкари қиради, Толиб уй эгаси келиб қолмаслиги учун зинада пойлоқчилик қилади. Бу сафарги даромад 530 АҚШ долларини ташкил этади.
Ўрганган кўнгируқ ўртанса қўймас деганларидек, орадан 10 кун

ўтиб улар яна ўғирликка чоғланадилар. 2018 йилнинг 13 октябри кунини соат 18.00 ларда жиноий гуруҳ яна Бухоро шаҳрига келишади. Одатдагидай Василий уйларни синчковлик билан текшириб, чироғи ўчган ҳолда турган бир хонадонни мўлжалга олиб, ҳеч қим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кетма-кет кирилган икки эшикни ҳам сим билан очиб, тахминан 10-15 дақиқада бир миллион саккиз юз минг сўм пулга эга бўлади. Аммо бу "даромад" уларнинг нафсини қондира олмайди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, яъни 2019 йилнинг 19 октябры кунини Бухоро шаҳридаги "Технология ва энгил санаят" институти яқинидаги олдинги гал 27 миллион сўм миқдоридоги пулни осонгина қўлга киритган жойига гўёки бу уйда қайнар "пулбулак" бордек яна келишади. Аммо Толибнинг қўнгли ниманидир сезгандек, бир уйга икки бора ўғирликка боришга оёғи тортмайди. Лекин унинг бошқа кўнгируқ бориш ҳақидаги таклифига Василий кўнмайди.
Кўнгируқ қилинганда ичкаридан ҳеч қим жавоб бермаганлиги туфайли Василий одатдаги усулда қўлфини очаетганида аксига олиб ўйда қолган жияни ҳам кишлоққа тўйга кетган эди. Василий бор-йўғи 10 дақиқа ичида хонадондан анча-мунча даромадни қўлга киритиб, бугунги "ови" бароридан келганидан хурсанд бўлиб, шериклари билан уйига қайтади. Уша кунни Тошкентдан қайтган хонадон эгаси Б.Нуриддинов хотинини уйи олдида машинадан тушириб, ўзи уйга ҳам кирмасдан жиянинг тўйига кетади, аммо у тўйхонага етиб борар-бормас турмуш ўртоғи кўнгируқ қилиб, вазиятни тушунтиради...
Бировнинг мулкни ўз мулкига айлантиришда устаси фаранга айланаётган гуруҳ аъзолари яна биров вақт ўтар-ўтмас Бухоро шаҳрига йўл олишди. Василий ва Толиб Тельманни "Чинор" ресторанига яқин худудда қолдириб, режа бўйича ишга киришади. Василий уй кўнгируғини босди, ҳеч қандай жавоб бўлмаганидан сўнг эшикни сим билан очиб, ичкари қиради, Толиб уй эгаси келиб қолмаслиги учун зинада пойлоқчилик қилади. Бу сафарги даромад 530 АҚШ долларини ташкил этади.
Ўрганган кўнгируқ ўртанса қўймас деганларидек, орадан 10 кун

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари яқинлашгани сари "ўқишга киритиб қўяман", деган кимсалар қўлайиб қолади. Мақсад аниқ — "ўлжа"ни топиб, алдаб пулини олиш. Улар ўқишга киритиш баҳонасида пулни олади-да, кейин жуфтқани роставла қолади.

"Ҳожатбарор"

Нормурод Шеров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумоти, бир нафар фарзанди бор. Нуфузли университетда ўқитувчи бўлиб ишласа-да, пул топишнинг осон йўлини ўйлаб юрган кезлари Мақсуд Нуриддинов билан танишиб қолади. Мақсуд суҳбат чоғида Н.Шеровга айтиб берибдики, табиийки, битириб, олиётган киришга тайёргарлик кўраётганлигини айтиб, имтиҳондан ўқишга ёрдам беришни сўрайди. Нормурод эса Мақсудга ўқишга киритиш вақолати йўқлигини, аммо ўқишга киритишда ёрдам берадиган танишлари борлигини айтиди.
"Жияним анчадан бери кучли ўқитувчилар ёрдамида тайёргарлик кўриб келаяпти. Хар эҳтимомга қарши олдин олиб қўйган яхши. Мабодро 1-2 балл етмай қолса, ёрдам берарсиз. Кира олманган тақдирда пулни қайтариб берарсизми?" деб сўрайди Мақсуд.
"Ака, кўнглингиз тўқ бўлсин. Мени ким деб ўйлаясиз? Менинг танишим чакана одам эмас. Жуда юқори лавозимда ишлайди. Исмлари "Лобархон", дея Нормурод унинг кўнглини пуч ёнгоққа тўлдирди. Н.Шеров қармоққа илинган "лақа балик"ни ўша танишининг ёнига бошлаб боради. Н.Шеров Л.Холмуродовага жияни ўқишга келганини айтиб, қайси факультетга топширган маъқул деган маънода савол беради. Табиийки, фирибгарнинг мақсадидан бехабар Л.Холмуродова унга қариндошининг ўқишга ҳужжат топширишда муаммо бўлса қонуний ёрдам беришини, лекин бошқа ёрдам беролмаслигини айтиб, уларни хонадан чиқариб юборди.
Шундан сўнг Мақсуд ва Нормурод 2018 йил 6 май кунини 12:00 да яна учрашади. Суҳбат чоғида Н.Шеров М.Нуриддиновдан қариндошини ўқишга киритиш учун қанча пул беришини сўрайди. Мақсуд ҳозирча 7-8 минг АҚШ долларини миқдоридо пули борлигини, қариндоши ўқишга киргач, унга яна алоҳида пул беришини айтиди.
Гапни бир жойга қўйган "огайини"лар 2018 йил 17 май кунини университет биносида кўришишга келишиб олишади. Уша кунни фирибгар Мақсуддан унинг жиянини ўқишга киритиш учун 8.000 АҚШ долларини (64.206.640 сўм) олиётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинади.
Суд айбланувчи Н.Шеровга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқорлиги, қилмишидан чин қўнглидан пушаймонлиги, илгари судланмаганлиги, оилавий аҳоли, яшаш ва иш жойидан ижобий таъсирланганлигини инобатга олиб, унга тегишли жазо тайинлади.

Алишер РАИМБЕРГЕНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридоги Департаментнинг
Олмасор туман бўлими бошлиғи

Божхона бекати

Хорижий валюталар "операцияси"

Хоразм вилояти божхона бошқармаси "Шовот" чегара божхона пости ходимлари томонидан чет эл валютасини юк автомашина ҳайдовчилари орқали олиб чиқиш ҳолати аниқланди.
Хусусан, мазкур пост орқали қўшни давлатга ўзининг "VOLVO" русумли юк автомашинасида чиқиб кетган фуқаро М.Ш. белгиланган тартибда ҳолилар иштирокида қўздан кечирилди.
Натижада юк автомашина кабинисидоги қора рангли сумкадаги ҳужжатлар орасига 7000 АҚШ долларини яширилгани фош бўлди.
Аниқланишича, мазкур пуллар ушбу шахснинг таниши М.га тегишли бўлиб, унинг илтимосига биноан чегарадан олиб ўтиб бермоқчи бўлган.
Шунингдек, Тошкент вилояти божхона бошқармаси "Гиштқўприк" чегара божхона пости ходимлари томонидан қўшни давлатга ўтиш учун ушбу пост орқали ҳаракатланган фуқаро С.Ш. шахсий қўриқдан ўтказилганида, эғидидаги кийими ичида йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган ва озаки сўровда тақдим қилинмаган 7 625 АҚШ долларини хорижий валютасини яширинча олиб ўтишга бўлган уриниши фош этилди.
Айнан ушбу пост орқали қўшни давлатга отланган яна бир фуқаро А.Г.нинг сумкаси ҳолилар иштирокида божхона текширувидан ўтказилди. Натижада, ушбу шахснинг юклари орасида озаки сўровда тақдим қилинган 2000 АҚШ долларидан ташқари, божхона назоратидан аширилган 4830 АҚШ долларини хорижий валютаси ҳам борлиги аниқланди.
Яна бир ҳолатда фуқаро В.Б. мазкур пост ходимлари томонидан белгиланган тартибда шахсий қўриқдан ўтказилганда, чўнтақларида озаки сўровда айтилмаган ва йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган 110 000 Россия рубли ҳамда 7 000 АҚШ долларини яширинча олиб ўтиш вақтида тўхтатиб қолди.
"Фарход" чегара божхона пости ходимлари томонидан эса қўшни давлатга ўтаётган фуқаро Х.О. 562 000 Россия рубли миқдоридо хорижий валютасини яширинча олиб ўтиш вақтида тўхтатиб қолди.
Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати

ИИБ хабари

Янгийўлда йў-транспорт ҳодисаси

Жорий йилнинг 17 июль кунини соат 05:30 ларда Тошкент шаҳар Сергели туманида яшаган 27 ёшли Д.Н. бошқарувидаги "Opel omega" русумли автомашинасини Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани Чортоқ маҳалласи худудидан ўтувчи "Қўйчириқ" — Тошкент" йўлида ҳайдаб кетаятиб, шу йўналишда ўзидан олдинда ҳаракатланаётган Наманган вилояти Чортоқ туманида яшовчи 62 ёшли А.И. бошқарувидаги "DAF" русумли юк автомашинасининг орқа қисмига урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.
Натижада "Opel omega" автомашинаси ҳайдовчиси ва унинг йўловчиси, Сергели туманида яшаган 22 ёшли А.У. исми аёл жароҳат олиб воқеа жойида вафот этганлар. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Маълумки, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни ҳамда жамиятимизда таъминланаётган қонун устуворлигини ички ишлар органлари ва уларнинг фидойи ходимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, кимнингдир хонадонига ўғри тушса, ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Ёки қайсидир безори тинчимизни бузса, дарҳол "102"га сим қоқамиз. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур тизимни янада ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига қўлай меҳнат шароитларини яратиш беришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сохта ИИБ ходими 7 йилда 9 маротаба суднинг қора курсисига ўтирди

Аммо таассуф билан айтиш лозимки, айни пайтда фирибгарликни ўзига қасб қилиб олган айрим юртдошларимиз "Ички ишлар ходими" деган шарафли номни булгаётган ҳолатлар ҳам оз бўлса-да, буй кўрсатиб қоляпти.
31 ёшли Жобирхон Алимов нафақат ўзи истикомат қилган "Қашкар" маҳалласида, балки Марғилон шаҳрида ҳам аллақачон отнинг қашқасидек танилиб улгурган. Негаки, дастлаб 24 ёшида, яъни 2012 йилда фирибгарлик учун судланган бу йигит ўтган 7 йил мобайнида 8 маротаба айнан ана шу жиноятни туфайли суднинг қора курсисига ўтиришининг "уддасидан чиқди". Лекин Жобирхоннинг сўқир кўзи шунда ҳам очилмади. Оқибатда у тўққизинчи бор фирибгарликка қўл урди.

Гап шундаки, қонунга биноан ҳаффи рецидивист деб топилган Жобирхон 2018 йил апрель ойида миллий ширинликлар ва турли пиширликлар билан савдо қилувчи таниши Насиба Мамажонованинг уйи сотиб олиш ниятида юрганидан хабар топиб қолди. Хабар топди-ю, дарҳол аёлини аврашга киришди. Аниқроғи, у шаҳарнинг Кўкўн кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлардаги хонадонлардан бири ўзига тегишли эканини айтиб, Н.Мамажоновани алдди. Насиба опани ишонтириш учун телефонида бир хоналик уйнинг расмини кўрсатди. Соддадил аёл унинг гапига лақа тушиб, уй сотиб олиш учун йиғиб қўйган 5000 АҚШ долларини (42.206.800 сўм) миқдоридоги пулини унга санаб берди. Аммо Ж.Алимов бу



жон Кўлдощевнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талонларини очикдан-очик талон-торож қилиб, воқеа жойидан қочиб кетди.
Бундан ташқари, Ж.Алимов 2018 йил 18 декабрь кунини Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Зокир Мансуровни ҳам "ўзига хос" усулда чўв туширди. Яъни ўша кунини соат 14:30 ларда Жобирхон Намангандаги "Сардоба" бозори яқинида Зокир билан учрашди.
— Исмим Азиз, "горотдел"да ишлайман. Илтимос, Марғилонга олиб бориб қўйсангиз. Хизмат ҳақингизни бераман, — деди мулоийим муомала қилиб.
Албатта, у ўзини Наманган шаҳар ИИБ ходими деб таништиргани сабабли 3.Мансуров унинг илтимосини ерда қолдирмай, "Нексия-2" русумли, 50 F 898 EA давлат белгилари автомашинасини Марғилонга қараб ҳайдади. Марғилонга етиб боришга эса Жобирхон ҳайдовчини Тошлоқ тумани марказига бошлади.
— Келинг, аввал овқат-

ланганлигини билдирмасдан, 2500 АҚШ долларини (21.103.400 сўм)га сотиб юборди. Қўлга киритилган пуллари эса ҳар галгидек жийилдонига урди.
Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмасди. Негаки, Ж.Алимов ўзини ИИБ ходими "Азиз" ва "Шерзод" дея таништириб, яна 7 нафар фуқарони фириб тўрига илтирди. Шу йўл билан уларнинг 33.985.808 сўмлик пул ва мулкларини қўлга киритди. Аммо жабранувчиларнинг мурожаатига биноан жиноят иши қўзғатилгандагина у фирибгарлигини тўхтатиб, тавба-тазарру қилишга тушди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди эса айбдорнинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.
Энди ҳақли савол туғилади: наҳотки, муқаддам 8 маротаба фирибгарлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган Жобирхоннинг кўзи ҳамон очилмаган бўлса? Ёки унинг яна айнан шу жиноятни содир этганига нима дейсиз?
Хулоса ўрнида Жобирхон Алимов сингари фуқароларга қарата "Ўзингизнинг гайриқонуний ҳаракатларингиз билан "Ички ишлар ходими" деган шарафли ном ва қасб шаънига доғ туширманг", деймиш.
Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар судининг судьяси

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Наманган ва Фарғонада

ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

ОЧИФИНИ АЙТГАНДА...

Сўнги кунларда хорижий ОТМларда, айниқса, қўшни Қозғистондаги ОТМларда ўқиш ҳақида кўплаб саволлар берилмоқда. Шуларни жамлаб, умумий жавоб бераман.

Хўрозқанд

ЧЕТ ЭЛНИКИ ДЕСА...

"Adolat" ijtimoiy-siёсий gazetasi saхifalarida saфдошларимизнинг Сайловдди дастурини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, жойлардаги БПТ ва депутатлик гуруҳлари, қолаверса, парламент ва ундаги "Adolat" СДП фракцияси фаолияти ҳақида кўп ва хўб ёзилади. Бошқа ёритиладиган қизиқарли ва ҳамма учун керакли мавзулар ҳам талайгина. Хўш, йилнинг биринчи ярмида ижодий жамоа қандай ишларни амалга оширди? Газета материалларининг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини яхшилаш учун яна нималар қилиш керак? Танқидий ва таҳлилий материалларни кўпайтириш, журналистларнинг касб маҳоратини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлиги кўнгилдагидайми? Газетхонларнинг фикрини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш юзасидан қандай режалар бор? Яқинлашиб келаётган сайловлар муносабати билан нашр фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй беради?

катта. Бундан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо баъзан бунга риоя қилмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Уларга тезда барҳам бериш талаб этилади.

Шундан сўнг "Adolat" СДП Наманган шаҳар, Чортоқ туман кенгашларининг раислари Ойлархон Охунова, Ҳабиба Мирабдуллаева, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Adolat" СДП гуруҳи етакчиси Олимхон Мақсудов ва бошқалар ҳам газета ва унинг фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Газета ижодкорлари билан ўтказилган мулоқот барча фаолларимизда катта таассурот қолдирди, — дейди вилоят партия кенга-

путатлари Наманган вилояти Кенгашидаги "Adolat" СДП гуруҳи аъзоси Абдували Мавланов очиб берди. У "Adolat" норинлик тиббиётчилар учун энг сеvimли нашрлардан бири ҳисобланишини таъкидлади.

Кейинги пайтда газета саҳифаларида бизнинг фаолиятимизга доир бир қатор материаллар ёрилди, — дейди А.Мавланов. — Яқиндагина, яъни Хотира ва кадрлар ҳақида мақола босилди. Олдинроқ марказий поликлиника катта ҳамшираси, "Шухрат" медали соҳиби Дурдона Шералиева, шунингдек, бирлашмамизнинг "Тез

димлари фаолиятига кенгроқ ўрин берилишини тақлиф қилишди. Чунки шифокорлар партия электоратининг каттагина қисmini ташкил этади. Вақти-вақти билан бадий асарлардан парчалар, шеър ва ҳикоялар бериб борилса, газетхонларнинг "Adolat"га қизиқиши янада ошарди. Хориждаги сиёсий ҳаёт, хусусан, социал-демократик йўналишдаги партиялар фаолияти ҳақида материаллар бериб турилиши ҳам фойдадан холи эмаслиги айтилди.

Бошқа нашрлар қатори "Adolat"нинг ҳам ҳар бир сонини ўқиб бораган, — дейди Ўзбекистон "Adolat" СДП Норин туман кенгаши аъзоси Акмалжон Юлчиев. — Ўзимга маъқул келган материаллар-

Ўзбекистон "Adolat" СДП Наманган вилоят кенгашида партия фаолларининг "Adolat" gazetasi таҳририяти вакиллари билан ўтказилган учрашувида ана шу ва матбуот фаолиятига доир бошқа қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди. Тадбирни вилоят партия кенгаши матбуот котиби Нурбек Абдуллаев олиб борди.

"Adolat" ijtimoiy-siёсий gazetasi бош муҳаррири Ислом Ҳамроев ўзи раҳбарлик қилаётган ижодий жамоа олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. У таҳририят ва партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир сафдошимиз газетанинг чиқиши билан мунтазам танишиб бориши, улар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириши муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун айна пайтда барча имкониятлар мавжуд. Газетага обуна бўлиш мумкин, унинг ҳар бир янги сонини билан интернет тармоғидаги манзилда танишиб бориша ҳам бўлади.

Албатта, сайловлар яқинлашгани сари партия матбуоти вакиллари учун ҳам долзарб дамлар бошланмоқда. Газета сафдошларимиз олиб бораётган ишларни янада кенг ёритиш, унинг кўпчилига маъқул келадиган имижини яратиш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқда. Булар, албатта, "Adolat" СДПнинг



сайловлардаги муваффақиятини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Таҳририят маъсул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Камол Матқубов ҳам партия-дошларимизни газета билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирди. Чунки журналистлар ҳам ўзларининг чиқишларига жамоатчилик қандай муносабат билдираётганини билишни жуда-жуда истайдилар. Ана шундай мулоҳазалар ичидан янги мавзулар ҳам вужудга келади. Газетанинг ҳар бир сўзи ўқувчи қандайдир янгилик бериши, уни бунёдкорлик ишларига руҳлантириши зарур. Матбуотнинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги роли ва ўрни ҳам ниҳоятда

ши раис Исроил Жўраев. — Биз таҳририятнинг навбатдаги иш режалари билан танишдик. Ўз навбатда, журналистлар ҳам ўзлари учун янги мавзуларни кашф қилишди. Бундай учрашувларни тез-тез ўтказишга келишиб олдик. Бу ҳар икки томон учун фойдали бўлади, деб ўйлаймиз.

Худди шу кун "Adolat" ijtimoiy-siёсий gazetasi журналистлари Наманган вилоятининг энг олис туманларидан бири Норинга ҳам ташриф буюрдилар. Бу ердаги энг катта бошланғич партия ташкилотларидан бири фаолият кўрсатадиган тиббиёт бирлашмасида газетхонлар билан учрашув ўтказилди. Журналистлар билан мулоқотни мазкур муассаса раҳбари, халқ де-

тбий ёрдам бўлими фаолияти ҳам қаламга олинган эди. Биз газетани доим қизиқиш билан кузатиб борамиз.

Шундан кейин сўзга чиққан "Adolat" ijtimoiy-siёсий gazetasi бош муҳаррири Ислом Ҳамроев, журналист Камол Матқубов, вилоят партия кенгаши раиси Исроил Жўраев, вилоят кенгаши матбуот котиби Нурбек Абдуллаев матбуотнинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрни, уни янада ривохлантириш, мазмундорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Ўз навбатда, газетхонлар ҳам бир қатор фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, улар газета саҳифаларида тиббиёт соҳаси хо-

ни белгилаб қўяман. Уларни бошқаларга ҳам ўқиниш тавсия этаман. Баъзи мақолалар хусусида ҳамқабларим, маҳалладошлар, оила аъзоларим билан ўртоқлашаман. Мана, 13 июль сонида босилган материаллар орасида "Мен дардимни кимга айтаман?" сарлавҳали мақола эътиборимни тортди қолди. Уни қайта-қайта мутлолаа қилдим, таҳририят ўз хушқўларини ҳимоя қилишга бел боғлаган тадбиркорга минбар бериб, жуда тўри йўл тўтибди. Биз мана шундай чиқишларни кўпайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Учрашув ниҳоясида таҳририят вакиллари газетхонларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Фарғона давлат университетиди "Adolat" ijtimoiy-siёсий gazetasi таҳририяти ходимларининг вилоят партия кенгаши фаоллари ҳамда газетхонлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Авалло шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муштарийлар билан кечадиган ҳар бир учрашув ва мулоқотлар таҳририят фаолиятидаги самарадорликка, газета саҳифаларида таҳлилий-танқидий мақолалар янада кенг ўрин эгаллашига, шу орқали ҳаётнинг мазмундорлигини таъкидлашга ва фаолияти кўпроқ ёритилишини истардик.

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА, Фарғона вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари, партия фаоли:

— Тўғри, ҳар бир газетанинг ўз йўналиши, ўз ўқувчилар доираси бор. Нима бўлганда ҳам газета хабар тарқатиш баробарида республикамизда кечадиган ислохотларни изчиллик билан амалга оширишга, юрдошларимизнинг у ёки бу муаммолари ечим топишида кўмақдош бўлиши зарур. Бунинг учун эса Президентимиз Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, танқидий-таҳлилий мақолаларни кўпроқ эълон қилиш керак. Бунда журналистлардан янада кўпроқ фаоллик, тезкорлик ва холислик талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, матбуот давлат ва халқ ўртасидаги кўприк вазиғасини ўташи керак. Бу эса жамият равнақига хизмат қилиши шубҳасиз.



Ислом ҲАМРОЕВ, "Adolat" ijtimoiy-siёсий gazetasi бош муҳаррири:

— Албатта, газетхонлар фикри, уларнинг тақлиф ва мулоҳазалари биз учун жуда муҳим. Бинобарин, жойларда бўлиб ўтаётган учрашувларда муштарийлар билан кўпроқ мулоқот қилишга интиляямиз. Юрдошларимизга шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, матбуот нашрлари телевидение, радио ва ижтимоий тармоқларга нисбатан узоқ вақт сақланиб туриши билан ажралиб туради. Масалан, бугун ижтимоий тармоқда ўқиган хаба-

рингизни бир йил, беш йил ёки ўн йилдан сўнг топилмаслигининг мумкин. Ҳудуд айна бугунги кунга оид кўрсатув эллик-олтмиш йилдан сўнг эфирга узатилмаслиги мумкин. Лекин газета тақлимининг яна юз йилдан сўнг ҳам кутубхонадан, архивдан топиб ўқиса бўлади.

Бундан ташқари, газета ва журнал ўқиниши китобхонлиқнинг дебочаси дейиш мумкин. Аммо бугун тўрт ёки саккиз саҳифалик газетани ўқиманг инсоннинг эртага юз-икки юз бетлик китобни ўқиса тоқати бўладими?

Дилобар МИРЗАЕВА, Ўзбекистон "Adolat" СДП Куваёсий шаҳар кенгаши раиси:

— Чиндан ҳам биз мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар ва партияимиз фаолиятига тааллуқли жараёнлар ҳақида айна "Adolat" gazetasi орқали хабар топамиз. Бинобарин, мана шундай учрашувлар партия вакиллари ва газетхонлар билан кўпроқ ташкил қилинса, ўзаро фикр алмашмас мақсадга мувофиқ бўларди. Биз жамоатчилик ва электоратимиз вакиллари ўртасида бу борада кенг кўлама тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришдан чарчамаймиз.

Самимий мулоқот ва тақлиф-мулоҳазаларга бой бўлган худди шундай учрашув Олтиариқ туманидаги "Маматўжа Агро Файз" фермер хўжалиги ҳамда Фарғона давлат ўрмон хўжалигининг Олтиариқ бўлими жамоаси билан ҳам бўлиб ўтди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Хуршид СУЛТОНОВ



МУАССИС: Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Тошўлат МАТИБАЕВ, Таъъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Аlisher ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибиёт — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бухорта Г — 700.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган.
Таҳрират манзили: 100043.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тоғи" кўчаси, 23-уй.
info@adolatg.uz adolatg-95@mail.ru
Таҳририятга келган қўғимлар тақриб қилинмайди ва муҳлифат қайтарибмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавоб бераман.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунаги расмийлаштириган ташкилот жавобдор.
НАШР КўРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2019-5217
1 2 3 5 6